

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИГА АДВОКАТЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Султонов Жасур Рустам ўғли

*Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Қонунчиликни таҳлил қилиш ва
тартибга солиш таъсирини баҳолаш
институтини катта маслаҳатчиси*

Молиявий имкониятнинг чекланганлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тўсиқ бўлмаслиги керак. Шу мақсадда мамлакатимизда “**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида**”ги Қонун қабул қилиниб, аҳолига давлат томонидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятини яратилди. Мазкур тизим, айниқса, ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда иштирок этиш учун адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи **адвокатлар реестрига** киритилган бўлиши лозим. Адвокатнинг реестрга киритилиши унинг **аризаси** адлия органи томонидан кўриб чиқилиб, шартнома имзоланганидан сўнг **автоматик** тарзда амалга оширилади.

Адлия вазирлиги хабарига кўра, 2026 йилнинг I ярим йиллигида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган адвокатлар сони 2 517 нафарни ташиқил этди¹.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади. Аввало, **жисмоний шахс** давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун экстерриториаллик принципи асосида ўз хоҳишига кўра тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда **мурожаат** қилади. Заруратга кўра эса суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, ваколатли орган ёки муассаса ёхуд мансабдор шахс давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги **сўровни** (қарор ёки ажримни) “**Юридик ёрдам**” ахборот тизими орқали адлия бўлимига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2022 йилдаги “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-263-сон қарори билан 2023 йил 1 январдан бошлаб “Юридик ёрдам” АТ ишга туширилди.

¹ <https://t.me/adliyangiliklari/29723>

Адлия бўлими мурожаат ёки сўровни **уч иш куни** ичида кўриб чиқади ҳамда натижасига кўра “Юридик ёрдам” ахборот тизимида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ёки уни кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу қарорни рўйхатга олади.

Қарор рўйхатга олингандан сўнг “Юридик ёрдам” АТ автоматик равишда иш кўриб чиқиладиган ҳудуд бўйича адвокатни **тасодикий** электрон тарзда танлайди. Бунда адлия бўлимининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи (адвокат) тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими асос бўлиб хизмат қилади. Тизим танланган адвокатнинг телефон рақамига ҳамда шахсий электрон кабинетига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ишни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида “SMS” шаклида **хабарнома** юборади.

Агар танланган адвокат жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича бир соат, бошқа турдаги ишлар бўйича эса беш иш соати ичида ишни қабул қилишни рад этса ёки хабарномага жавоб бермаса, тизим иш кўриб чиқиладиган ҳудуд ёки унга яқин ҳудудлар доирасидан бошқа адвокатни танлайди. Ушбу жараён танланган адвокатлардан бири ўзининг ишда иштирок этишини тасдиқлашга қадар давом этади.

Ишни қабул қилган адвокат белгиланган муддатларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатади. Шундан сўнг, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёни, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатиш якунланган кундан бошлаб бир ой ичида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини **тасдиқловчи ҳужжатларни** “Юридик ёрдам” ахборот тизимида киритади. Адвокат мазкур ҳужжатларнинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этганлигини тасдиқловчи қисмини **уч иш куни** ичида ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки бошқа ваколатли орган (мансабдор шахс) билан “Юридик ёрдам” ахборот тизими (e-advokat.uz) орқали келишади. Келишув якунлангач, тасдиқловчи ҳужжатлар тизим орқали давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган ҳудуддаги **туман** (шаҳар) **адлия бўлимига** юборилади.

Адлия бўлими тасдиқловчи ҳужжатларни улар келиб тушган кундан эътиборан **уч иш куни** ичида текширади ҳамда давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга ҳақ тўлаш мақсадида ҳужжатларни **туман** (шаҳар) **иқтисодиёт ва молия бўлимига** юборади.

Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими тасдиқловчи ҳужжатлар келиб тушганидан сўнг ҳар ой якуни бўйича **кейинги ойнинг биринчи ўн беш куни**

давомида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга тегишли ҳақни у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг банк ҳисобварағига **пул ўтказиш йўли** билан тўлайди.

Адлия вазирлиги хабарига кўра, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлиmlари томонидан 31 064 та иш учун 21,5 млрд сўм миқдорида тўловлар амалга оширилди².

Амалдаги тартибга мувофиқ, туман (шаҳар) адлия бўлими мурожаат ёки сўровни уч иш куни ичида кўриб чиқади ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бироқ мазкур ягона муддат барча тоифадаги ишларга нисбатан **бир хил қўлланилиши** ҳуқуқий ёрдамни зудлик билан талаб қиладиган ҳолатларда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, шахс ушланган, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилаётган ёки бошқа кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатлар амалга оширилаётган жиноят ишларида уч иш кунигача кутиш **ҳимоянинг ўз вақтида таъминланмаслигига** сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мурожаатларни кўриб чиқишда **дифференциал ёндашувни жорий** этиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатувчи шошилиш ҳолатларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор **24 соат ичида** қабул қилиниши, бошқа фуқаролик, маъмурий ҳамда иқтисодий низолар бўйича эса амалдаги уч иш кунлик муддат сақлаб қолиниши мумкин.

Иккинчидан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар бир иш якунланганидан сўнг фуқаролар томонидан **адвокат фаолиятини баҳолаш** тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда шаклланган рейтинг натижалари адвокатларни кейинги ишларга жалб этишда инобатга олиниши, юқори баҳоланган адвокатларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ишларини устувор тарзда тақсимлаш тизимнинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда мазкур йўналишларда қонунчиликни янада такомиллаштириш давлат ҳисобидан юридик ёрдам тизимининг шаффофлиги, самарадорлиги ва аҳоли учун очиқлигини оширишга хизмат қилади.

² <https://t.me/adliyangiliklari/29723>

Фойдаланилган манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида” Қонуни, 16.06.2023 йилдаги ЎРҚ-848-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2022 йилдаги “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-263-сон қарори
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, 21.11.2024 йилдаги 774-сон